

**Талаб қилиб олингунча ҳисоб рақами / банк картаси бўйича очиш, хизмат кўрсатиш  
ва бошқа банк хизматларини тақдим этиш (оферта) учун  
\_\_\_\_\_ - Намунавий шартнома**

Тошкент ш.

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик компанияси,  
бундан кейин "БАНК" деб юритилади, бўлинма Бошқарувчиси, Банк номидан

(Банк бўлинмасининг номи)

(Бошқарувчининг Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ - Ишончнома асосида фаолият юритувчи, бир томондан

(фамилияси, исми, отасининг исми)

бундан буён матнда "мижоз" деб номланади, бошқа томондан, ушбу Шартномани қуйидагича туздилар:

## **1. Шартнома мавзуси**

1.1. Банк мижознинг номига банк бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларга банк хизматларини тақдим этади, шунингдек қуйидаги хизматларни тақдим этишда мижознинг келишилган шаклда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган бўюртмаларини бажаради:

- жисмоний шахсларга талаб қилиб олингунча омонатларини, шу жумладан миллий ва хорижий валюталарда очиладиган банк карталари бўйича ҳисоб рақамлар очиш;
- миллий ва хорижий валюталарда банк карталарини чиқариш/қайта чиқариш;
- миллий ва хорижий валюталарда талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамлар ва банк карталари бўйича операциялар ва тўловлар ўтказиш;
- банк ҳисоб рақамларини блоклаш, блокдан чиқариш,
- банк картаси блокланган холларда картанинг шахсий идентификация рақами (ПИН) ни қайта ўрнатиш
- ахборот хизматларига (SMS - хабарнома, Push - хабарнома (қисқа ахборот хабарномаси/хабар), E-MAIL, шахсий WEB - кабинет ва / ёки мобил банкинг) уланиш;
- жисмоний шахсларга миллий ва хорижий валюталарда муддатли ва жамғарма омонатларини очиш (алоҳида шартнома билан);
- жисмоний шахснинг кредит олиш учун аризасини қабул қилиш (алоҳида шартнома билан);
- жисмоний шахсларга бошқа чакана банк хизматларини кўрсатиш.
- Банк маҳсулотлари ва хизматлари ҳақида маълумот бериш.

1.2. Мижозга банк хизматларини кўрсатишда Банк қуйидагиларга амал қилади:

- ушбу Шартнома,
- Жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишда банкнинг расмий [www.nbu.uz](http://www.nbu.uz) сайтида жойлаштирилган банк комиссияси тарифлари;
- Банк маҳсулотлари ва хизматларини кўрсатиш бўйича алоҳида шартномалар;
- Мижозга юқоридаги хизматларни кўрсатишда тегишли операцияларни амалга ошириш учун Банк томонидан белгиланган шаклдаги аризалар;
- Жорий ёки келгусидаги банк хизматларини кўрсатиш ва тартибга солиш мақсадида Банк томонидан киритилиши мумкин бўлган ҳар қандай қўшимча келишувлар/қоидалар, шартлар ва иловалар;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатлари, Банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва ички тартиблари ҳамда Йўриқномалари;
- Банк томонидан халқаро пул ўтказмалари ва банк карталари учун банк хизматларини кўрсатиш мақсадида тузилган алоҳида шартномалар/битимлар.

1.3. 1.2 - бандда кўрсатилган ҳужжатлар ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

- 1.4. Банк хизматларини кўрсатишда Мижоз уларни тақдим этиш шартларини қабул қилади ва банкка 1.2 – бандда кўрсатилган тарифларга мувофиқ комиссия мукофотини тўлайди.
- 1.5. Ушбу Шартнома бўйича банкнинг [www.nbu.uz](http://www.nbu.uz) сайтида кўрсатилган маҳсулотлар бўйича индивидуал шартномалар / битимлар тузиш учун мижоз Банкга тегишли равишда тўлдирилган ариза, шу жумладан расмий масофавий хизмат каналлари орқали ҳам тақдим этади.

## **2. Банк хизматларини тақдим этиш шартлари:**

- 2.1. Талаб қилиб олгунча ҳисоб рақамини, шу жумладан банк карта ҳисоб рақамини дастлабки очиш Мижознинг аризаси асосида идентификациялаш тадбири бўйича амалга оширилади.
- 2.2. Банкнинг идентификация қилинган мижозлари учун талаб қилиб олгунча омонат ҳисоб рақамини, шу жумладан банк карталарини очиш, шунингдек миллий / хорижий валютадаги банк карталарини чиқариш / қайта чиқариш, банк ҳисоб рақамларини блокировка қилиш / блокдан чиқариш, ахборот хизматларига уланиш (SMS - хабарнома, E-MAIL, шахсий WEB - кабинет ва / ёки мобил банкинг) банкнинг [www.nbu.uz](http://www.nbu.uz), веб-сайтида жойлаштирилган Мижознинг аризаси асосида ёки Миллий Банк мобил иловаси орқали амалга оширилади.

Банк картасининг тайёрлиги тўғрисида билдиришнома Push -хабарнома орқали мижозга юборилади, мижоз томонидан картани қабул қилиб олиш унинг тегишли равишда хужжатлаштирилган аризаси асосида амалга оширилади.

- 2.3. Талаб қилиб олингунча ҳисоб рақами очилганда Мижоз пул маблағини омонатга киритади, Банк қабул қилади

---

*(миқдор сўзлар билан)*

"Талаб қилиб олингунча", омонати бўйича фоизлар йилига \_\_\_\_\_% миқдорида (Банкнинг Активлари ва Пассивларни бошқариш Қўмитаси томонидан белгиланади ва ушбу шартнома тузилган пайтда амал қилади) \_\_\_\_\_ да (валюта тури).

- фоиз тўловлари \_\_\_\_\_ календарь иш кунларига кўра қилинган.
  - Талаб қилиб олингунча омонатига қўшимча бадаллар нақд/нақд пулсиз шаклда қабул қилинади.
  - Омонат шартномаси ва пул маблағларини ҳисобга қўйиш белгиланган тартибда берилган \_\_\_\_\_-сонли Жамғарма китобчаси (мижознинг хоҳишига биноан) билан тасдиқланади
- 2.4. Миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамлар ва банк карталари бўйича операциялар Банк томонидан мижознинг кўрсатмаларига биноан, шунингдек, банк томонидан тўлов тизимлари билан тузилган шартномалар / битимлар асосида амалга ошириладиган операцияларни бажариш қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.
- 2.5. Мижоз ўзи томонидан ҳисоб рақам блокировка қилинган тақдирда ПИН-кодни тиклаш масофадан туриб хизмат кўрсатишнинг расмий каналлари орқали амалга оширилади;
- 2.6. Ахборот хизматларига уланиш (SMS - хабарнома, E-MAIL, шахсий WEB - кабинет ва / ёки мобил банкинг) мижознинг банк бўлимида шахсий иштироки ёки расмий масофадан хизмат кўрсатиш каналлари орқали мижознинг аризаси асосида амалга оширилади.
- 2.7. Муддатли ва жамғарма омонатларини очиш алоҳида тузилган шартномалар асосида амалга оширилади (намунавий шартномалар [www.nbu.uz](http://www.nbu.uz) банкнинг веб - сайтида мавжуд)
- 2.8. Жисмоний шахс тақдим этган зарур хужжатларга мувофиқ мижозга автомобиль кредити, истеъмол кредити, микрозайм олиш учун аризалар хужжатлаштириш (кредит шартномаларининг намуналари [www.nbu.uz](http://www.nbu.uz) банкнинг веб - сайтида мавжуд)

## **3. Томонларнинг мажбуриятлари**

### **3.1 Банк бажариши керак:**

- мижознинг омонатларини ва банк операцияларини сир сақлаш ва улар тўғрисида фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда маълумот бериш;

- мижоз ёки учинчи шахслардан нақд пулда, нақд пулсиз шаклдаги омонатлардаги маблағларни қабул қилиб, мижознинг ўз омонати бўйича ҳисоб рақами бўйича зарур маълумотларни кўрсатиш;
- мижознинг ёки унинг вакиллариининг биринчи талабига биноан (ишончнома орқали) омонатларга қўйилган маблағларни, шунингдек ушбу Шартнома шартларига мувофиқ ҳисобланган фоизларни қайтариш;
- Омонат суммаси бўйича фоизлар Банк томонидан олинган кундан кейинги кундан (мижознинг шахсий ҳисоб рақамига) омонатчига қайтарилишидан олдинги кунгача ёки бошқа сабабларга кўра омонатчининг ҳисоб рақамидан чиқарилишигача ҳисобланади. Банк омонатчининг ҳисоб рақами ҳисба олинганлиги туфайли ушбу ҳисоб рақамидаги маблағлардан фойдалана олмаганлиги даврида фоизлар ҳисобланмайди
- Агар фоизларни ўтказиш санаси Банк ишламайдиган кунига тўғри келса, у кейинги банк иш кунига ўтказилади. Шу билан бирга, кирим қилинган фоизлар банк ишламайдиган кунлари учун ҳисобланган фоизлар миқдорига ортади.
- банк карталарини белгиланган муддатда чиқариш / қайта расмийлаштириш;
- мижоз банкка келганда ҳаракатсиз ҳисобрақамларни блокдан чиқаришни амалга ошириш;
- ахборот хизматларига мижозни улаб (SMS - хабарнома, Push - хабарнома (қисқа ахборот хабарномаси/хабар), E-MAIL, шахсий WEB - кабинет ва / ёки мобил банкинг) мобил телефон рақами/ электрон почта манзили, ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган намунага кўра дастур асосида логин, пароль ва фойдаланувчи йўриқномаларини тақдим этиш.
- Мижознинг ёзма аризасига кўра, бошқа мобил телефон рақамларини, мижознинг бошқа электрон почта манзилларини ахборот хизматларига улаш, шу жумладан аввалгиларини ўчириб қўйиш;
- Кредит аризаларини белгиланган муддатда кўриб чиқиш;
- мижозни хабардор қилиш (ахборот бериш) :
  - маблағ тўғридан-тўғри банк ҳисоб рақамидан чиқарилиши тўғрисида, ҳисобдан чиқарилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай, кимнинг фойдасига, сабаби ва чиқарилаётган сумманинг миқдори кўрсатилган ҳолда;
  - Мижознинг банк ҳисоб рақамларидаги операцияларни банк операциялари тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай, банк операцияларини тўхтатиб туриш сабабларини кўрсатган ҳолда.

Тегишли билдиришнома мижознинг ўз танловига кўра қуйидаги йўллар билан мижозга юборилади:

\_\_\_\_\_ (шахсан);

\_\_\_\_\_ (почта орқали)

\_\_\_\_\_ (электрон алоқа орқали: SMS - хабарнома/ Push - хабарнома/электрон почта манзили).

### 3.2 Мижознинг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига риоя қилиш;
- Банкка банк операцияларини амалга ошириш ва кредит олиш учун зарур бўлган аниқ, ишончли маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш.
- Агар банк мижозга кредит бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилса, кредит шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш.
- Мижознинг паспорт маълумотлари, яшаш жойи, иш жойи, алоқа телефон рақамлари ёки бошқа шахсий маълумотлар ўзгарган тақдирда, бу ўзгаришлар ҳақида банкни 3 (уч) банк иш кунида хабардор қилиш, шунингдек, янги паспорт маълумотлари нусхаларини ва ушбу шартноманинг 3.1 бандида кўрсатилган ахборот хизматлари уланган мобил телефон рақами ва/ёки, электрон почта манзилини тақдим этиш.
- Банк картасининг шахсий маълумотларини учинчи шахсларга етиб бўлмайдиган жойда сақлаш, банк картасининг шахсий маълумотларини ва ПИН - кодини учинчи шахсларга ўтказмаслик.

- мунтазам равишда банк ҳисоб рақамлари/карталари қолдиғини текшириш,
- банк картаси балансида овердрафтга йўл қўймаслик, банк картасидаги техник овердрафт юзага келганда карта эгаси уни қайтариши шарт.
- банк картаси йўқотилиши ёки ўғирланиши ҳолатларида банкни 24 соат ичида хабардор қилиш, шунингдек банкнинг мобил иловаси орқали картани ўзи блоклаши ва/ёки банкни 24 соат ичида расмий масофадан хизмат кўрсатиш каналлари орқали хабардор қилиш.
- Банкнинг [www.nbu.uz](http://www.nbu.uz) расмий веб-сайтида жойлаштирилган тегишли маҳсулот / хизмат кўрсатмалари ва қоидалари билан мустақил равишда танишиб чиқиш.

#### **4. Тарафларнинг ҳуқуқлари**

##### **4.1. Банкнинг ҳуқуқлари :**

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳисоб рақамидаги операцияларни тўхтатиб туриш ёки уларни бажаришни рад этиш;
- банк операцияларини ўтказишда ҳисоб рақамлар бўйича операциялар ўтказиш учун банк тарифларида назарда тутилган миқдорларда комиссия ҳақини олиш;
- жамғарма китобчаси /банк картасини йўқотганлик/зарар етказганлик учун банк тарифларида назарда тутилган миқдорда комиссия ҳақини олиш;
- банк миждозларининг ҳисоб рақамларидаги ҳаракатлар бўйича ахборот хизматлари (мобил банк, sms-, e-mail, web-ахборот) учун банк хизматлари тарифлари (миждознинг хизматлар кўрсатиш тўғрисида ёзма аризаси асосида) бўйича комиссия ундириш;
- Миждоздан паспорт маълумотлари, яшаш жойи ва алоқа телефон рақамларига киритилган ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида маълумотни талаб қилиш ва олиш
- Миждозга кредит беришда кредит тарихини, тўлов қобилиятини ва кредит қобилиятини "Кредит аналитик маркази" Кредит бюросига, Кредит маълумотлари давлат реестрига, Гаровлар реестрига, Жамғарма пенсия тизими, Давлат солиқ инспекциясига банк карталари билан операциялар бўйича тегишли сўровлар юбориш орқали таҳлил қилиш ва бошқа маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашга миждоз розилик беради.
- Миждознинг иш берувчиларидан олган даромадлари ҳақидаги маълумотларни сўраш,
- иш берувчиларга миждознинг кредит ва банкнинг бошқа маҳсулотлари бўйича қарзини қайтариш учун маблағларни юбориш талаби билан мурожаат қилиш
- Агар миждоз аниқ ва ишончли маълумотларни тақдим этмаса, кредит беришдан бош тортиш ва рад этиш сабабларини келтирмаслик;
- бошқа банк маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида миждознинг маълумотлари ва банк операцияларини таҳлил қилиш;

##### **4.2. Миждоз ҳуқуқлари :**

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, банк ҳисоб рақамларини шахсан ва ўзининг вакили орқали (ишончнома орқали) бошқариш;
- исталган вақтда банк ҳисоб рақамидан ёки унинг бир қисмидан маблағ талаб қилиш;
- телефон, электрон почта манзили ва / ёки шахсий кабинет ва / ёки расмий масофадан хизмат кўрсатиш каналлари орқали ахборот хизматларидан фойдаланиш;
- банкнинг интернетдаги ([www.nbu.com](http://www.nbu.com)); расмий сайтида жойлаштирилган ва / ёки расмий масофадан хизмат кўрсатиш каналлари орқали банк маҳсулотлари, хизматлари ва тарифлари ҳақидаги маълумотлар билан танишиш
- бошқа мобил телефон рақамларини / электрон почта манзилларини ахборот хизматларига, шу жумладан аввалгисини ўчиришга, ёзма ариза билан ёки мустақил равишда шахсий WEB-ҳисоб рақами орқали ва / ёки масофавий хизмат кўрсатишнинг расмий каналлари орқали Банк билан боғланиш орқали уланиш;
- масофавий хизмат кўрсатишнинг расмий каналлари орқали ёзма ариза ва / ёки тегишли ариза юбориш орқали Банк томонидан тақдим этиладиган маълумотлар ёки бошқа хизматлардан воз кечиш.

- Шартнома тузилгандан сўнг пул маблағларини олгунча бўлган даврда бепул асосда кредит маҳсулотларини олишдан бош тортиш.
- жарималарни тўламасдан исталган вақтда Банкдан олинган кредитни муддатидан олдин тўлаш.

## **5. Шартноманинг амал қилиш муддати**

5.1. Ушбу Шартнома Томонлар имзоланганларидан кейин кучга кириши ва 2-бўлимда кўрсатилган хизматларни олиш тугагунга қадар амал қилади. Талаб қилиб олингунча омонатлар бўйича ҳисоб рақами, шу жумладан банк картаси ҳисоб рақами бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоб рақамидан ҳисобланган фоизлар билан тўлиқ маблағ олинмагунча ва ҳисобларни ёпиш учун тегишли ариза юборгунча амал қилади.

5.2. Банкнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда Шартнома бекор қилиниши мумкин.

## **6. Томонларнинг жавобгарлиги**

6.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

6.2. Банк Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида" ги Қонунига мувофиқ, мижоз томонидан банк ҳисоб рақамларига киритилган маблағларнинг сақланишини кафолатлайди.

6.3. Банк куйидагилар учун жавобгар эмас:

- учинчи шахсларга шахсий ҳисоб рақамларига ва / ёки мобил банк хизматларига кириш учун логин ва паролнинг мижоз томонидан ошкор қилиниши;
- Мижоз банк картасини сақлаш учун тегишли чора-тадбирлар қабул қилмаган ҳолда, карта шахсий маълумотлари мижоз томонидан картадан пул маблағларини рухсатсиз ҳисобдан чиқариш учун карта шахсий маълумотларини ва ПИН-кодни учинчи шахсларга / Интернетда ошкор қилиш;
- Мижоз томонидан учинчи шахсларга мобил банк хизматлари, SMS, Push-хабарномаси ва электрон почта хабарномалари орқали олинган маълумотларни ошкор қилиниши;
- агар омонатчи уяли телефон рақамини ва / ёки электрон почта манзилини нотўғри кўрсатган бўлса, шунингдек, агар у банкка ахборот хизматларига уланган уяли телефон рақамини ва / ёки электрон почта манзилини ўзгартириш тўғрисида маълумот бермаган бўлса, юборилган SMS ва электрон почта хабарлари ва / ёки мобил банк хизмати томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ошкор бўлиши.

6.4. Мижоз логинини / паролни ошкор қилиш ва / ёки бошқа шахсларга мобил телефон рақамидан / электрон почта манзилдан / шахсий кабинетдан / мобил банкдан фойдаланишга рухсат бериш учун жавобгардир.

6.5. Мижоз картанинг шахсий маълумотларини ва ПИН-кодни учинчи шахсларга ўтказишда картадан рухсатсиз пул олиш учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

## **7. Махсус шартлар**

7.1. Томонлар, "Банк сирини тўғрисида" ги қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш ёки шунингдек, банкка мобил банк, SMS, Push -билдиришнома ва электрон почта орқали хабар бериш, шунингдек шахсий WEB кабинет ахборот хизматларини кўрсатишга қаратилган техник хизматларни кўрсатадиган шахсларга тақдим этиш банк сирини ошкор қилиш деб ҳисобланмайди.

7.2. Ушбу Шартномада кўрсатилмаган ҳолларда тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигига амал қиладилар.

7.3. Томонлар ўртасида ўзаро келишув бўлмаган барча низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигида белгиланган тартибда кўриб чиқиладилар.

7.4. Ушбу Шартноманинг шартлари ушбу шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан томонларнинг ўзаро келишувига кўра ўзгартириш киритилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

7.5. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки асл нусхада (томонларнинг ҳар бири учун биттадан) тузилган

### ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**Банк учун:** \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий  
фаолият

Миллий банки Бўлинмаси

Манзил: \_\_\_\_\_

СТИР \_\_\_\_\_

Телефон \_\_\_\_\_

Бошқарувчи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш. ва имзо)

М.Ў.

**Омонатчи:**

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Почтаманзили: \_\_\_\_\_

Телефон \_\_\_\_\_

Электрон манзили: \_\_\_\_\_

Туғилган сана: \_\_\_\_\_

Паспорт/(шахсини тасдиқловчи бошқа  
хужжат) \_\_\_\_\_

серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

ким томонидан, қачон берилган

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(имзо)

**Талаб қилиб олингунча ҳисоб рақами /  
банк картаси бўйича очиш, хизмат кўрсатиш  
ва бошқа банк хизматларини тақдим (оферта)  
этиш Намунавий шартномасига  
1-Илова**

Бошқарувчиси \_\_\_\_\_ га  
(ЎзМилБанк филиали)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(аризачининг Ф.И.Ш) \_\_\_\_\_ дан

**АРИЗА**

\_\_\_\_\_  
(фамилия, исми, шарифи) \_\_\_\_\_ номига

\_\_\_\_\_  
( талаб қилиб олингунча омонат / банк картаси, муддатли, жамғарма омонати ва бошқалар)  
\_\_\_\_\_ да ҳисоб рақами очишингизни сўрайман  
(Ҳисоб рақами валютаси)

Мен менинг ҳисоб рақамим бўйича операцияларни амалга оширишда мажбурий бўлган ўз  
имзомнинг намунасини, (мен ваколат берган шахснинг имзосини) бераман.

Банк картасини чиқариш/қайта чиқариш

UzCARD

HUMO

VISA classic

VISA Gold

obrand

Visa Infiniti

VISA Platinum

cobrand

MasterCard

UnoinPay

Дата «\_\_» \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й.

\_\_\_\_\_  
(ҳисоб рақами эгасининг имзоси)

**БАНК БЕЛГИСИ**

Ҳисоб очиш учун ҳужжатларни текширдим:

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_ да Ҳисоб рақами очишга рухсат бераман  
(ҳисоб рақами валютаси)

\_\_\_\_\_  
( талаб қилиб олингунча омонат / банк картаси, муддатли, жамғарма омонати ва бошқалар)

\_\_\_\_\_ валютада Банк картасини чиқариш/қайта чиқаришга рухсат бераман

Банк филиали / бўлинмаси Бошқарувчиси \_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й. ҳисоб рақами очилди.

Ҳисоб рақами № \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ банк картасининг рақами

Бошқа белгилар

---

Паспорт,

серия:

\_\_\_\_\_ берилган \_\_\_\_\_

Амал қилиш муддати \_\_\_\_\_ гача

Қўшимча маълумот:

Резидент/норезидент \_\_\_\_\_, туғилган санаси \_\_\_\_\_ туғилган жойи \_\_\_\_\_

Яшаш манзили \_\_\_\_\_

Иш жойи манзили \_\_\_\_\_

Лавозими \_\_\_\_\_

Алоқа телефонлари: \_\_\_\_\_ Алоқа е – mail манзили \_\_\_\_\_

Мен ўз ҳисоб рақамларимдаги банк операцияларини амалга оширишда Банкнинг барча йўриқномаларини бажаришни ўз зиммамга оламан, банк карталаридан фойдаланганда уларнинг бузилиши учун тўлиқ жавобгар бўлишга тайёрман, банкнинг жисмоний шахслар омонатлари учун фоиз ставкалари ва тарифлари билан танишман.

\_\_\_\_\_  
(ҳисоб рақам эгасининг имзоси)



**Талаб қилиб олингунча ҳисоб рақами /  
банк картаси бўйича очиш, хизмат кўрсатиш  
ва бошқа банк хизматларини тақдим(таклиф)  
этиш Намунавий шартномасига  
2-Илова**

**Ахборот хизматлари ва хизматларини улаш учун  
\_\_\_\_\_ -Ариза**

Менинг \_\_\_\_\_ -талаб қилиб олингунча омонатимни (бундан кейин – ҲИСОБ РАҚАМИ) қуйида кўрсатилган ахборот хизматлари ва хизматларига улашингизни сўрайман.

**Мен юқоридаги Ҳисоб рақами эгаси эканлигимни тасдиқлайман.**

**УЛАНИШ ПАРАМЕТРЛАРИ:**

**1. WEB – кабинет хизмати**  (ўрнатиш учун белгилаш керак)

**а. Web – кабинет орқали тўлов / ўтказишни амалга оширишга рухсат бериш:**  рухсат бериш  тақиқлаш

**i. Тўловга рухсат бериш усули:**  рухсатсиз  SMS орқали iKey ёрдамида бир марталик пароль

**ii. Авторизация учун телефона рақами:** \_\_\_\_\_ (Телефон рақамлари халқаро форматда)

**2. АХБОРОТ БЕРИШ:**

**а. Тадбир бўйича:**  кирим  чиқим

**б. Жадвал бўйича:**  (ўрнатиш учун белгилаш керак)

*Жадвални ўрнатиш учун қуйидаги бандлардан бирини белгилаш керак*

**1. Ҳар ойда** \_\_\_\_\_ кунни. (ойнинг 1 дан 31 гача бўлган кунини белгилаади)

**2. Ҳар қафтада** \_\_\_\_\_ (ҳафтанинг кунни белгиланади душанба/сешанба ...)

**3. Ҳар кунни** \_\_\_\_\_

Билдиришномаларни \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ дақиқада юбориш (агар бўш қолдирилса, хабарномалар ярим тунда юборилади)

**Хабарга (билдиришнома) кўшиш:**

•  Ҳисобдаги қолдиқ

• \_\_\_\_\_ кунлик ҳисоб-китоб операциялари тарихи (0 - тарихни ўз ичига олмайди)

**а. Билдиришнома юбориш усуллари:**

**SMS - хабарномаси** (телефон рақамларини кўрсатинг)



**Телефон рақамлари халқаро форматда кўрсатилиши керак**

Масалан, +998971234567, Билайн +998901234567, UCell +998931234567, Perfectum +998981234567.

**Е - МАИЛ–хабарномаси** (электрон почта қутиларини вергул орқали кўрсатинг)

**Хабарномани юбориш тури:**  1. Очiq ҳолда \_\_\_\_\_  2. Паролланган ҳолда \_\_\_\_\_

**3.  Шахсий кабинет/бошқа ахборот ресурслари** (ўрнатиш учун белгилаш керак)

(телефон рақамларини кўрсатинг)



**Телефон рақамлари халқаро форматда кўрсатилиши керак**

Масалан, +998971234567, Билайн +998901234567, UCell +998931234567, Perfectum +998981234567.

Шаҳар (стационар) телефонлари ва/ёки факс аппаратлари (ГТС)+998711234567

Изоҳ: SMS-хабар бериш учун кўрсатилган телефон рақамлари WEB-кабинетга автоматик равишда уланади

**АРИЗА БЕРУВЧИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:**

Ф.И.Ш.

ФИШ рус ҳарфлари билан тўлиқ тўлдирилади

Туғилган сана \_\_\_\_/\_\_\_\_/19\_\_ й.

Фамилия лотин ҳарфлари билан

ФИШ қатъий паспорт бўйича тўлдирилади

Паспорт маълумотлари:

Серияси

Рақами

Берилган: Сана \_\_\_\_/\_\_\_\_/\_\_\_\_ Ким томонидан:

ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг номи

Рўйхатга олинган манзил (прописка)

(вилоят, шаҳар, кўча, уй, хонадон)

Индекс

Алоқа телефони

(вилоят/туман коди билан)

Оммавий оферта ва ахборот хизматидан фойдаланиш қоидалари билан танишдим ва розиман.

Ариза берувчининг имзоси:

Тўлдирилган сана:

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**БАНК БЕЛГИЛАРИ (кейин банк ходими томонидан тўлдирилади):**

Масъул бажарувчининг имзоси:

Штамп ўрни